

"КЕЛИШИЛГАН"

Янги тиббий техника қўмитаси раиси

Б.С.Абдурахманов

2022 й. 22.06.

ПК № 18

Тиббий буюмни қўллаш бўйича

ЙЎРИҚНОМА

NASISOFT

ингаляцион ва интраназал юбориш учун стерил эритма

Таркиби

1 ml (мл) эритма сақлайди: натрий гиалуронати - 1,0 mg (мг); натрий хлориди - 9,0 mg (мг).

Ўрам таркиби

4 ml (мл) дан полимер контейнерларда, 10 контейнердан картон қутида.

Таърифи

NASISOFT – интраназал ва ингаляцион қўллаш учун восита. Тозаловчи ва намлантирувчи хусусиятларга эга.

NASISOFT ҳам соғлом шахсларда, ҳамда нафас олиш аъзоларининг яллиғланиши ва аллергия касалликлари бўлган пациентларда ҳам бурун бўшлиғининг шиллиқ қаватини тозалайди ва намлантиради.

NASISOFT бурун шиллиқ қавати, бурун ва бронхларнинг ёндош бўшлиқлари секретини суюлтириш ҳисобига нафас олишни енгиллаштиради, уни чиқарилишига ёрдам беради.

Таъсир механизми

Гиалурон кислотаси организмда бир қатор муҳим биологик функцияларни бажарувчи табиий компонент (полисахарид) ҳисобланади. Молекуласининг гидрофил хусусиятлари туфайли гиалурон кислотаси нафас йўллариининг шиллиқ қаватида гидратациянинг юқори даражасини таъминлайди, бу натрий хлорид эритмаси билан мажмуада намлантиришга ёрдам беради, мукоцилиар клиренсни яхшилаш учун шароит яратади. Шунингдек, гиалурон кислотаси молекулаларининг юқори даражали гидратацияси туфайли нафас йўллари шиллиқ қаватининг юзасида тўсиқ пайдо бўлади, бу эса антигенларнинг (вируслар, бактериялар, аллергиялар) адгезиясига (ёпишишига) тўсқинлик қилади.

Махсус тавсия

NASISOFT нафас йўллариининг шиллиқ қаватини тозалаш ва намлантириш учун мўлжалланган.

Қўлланилиши

- Бурун бўшлиғининг кундалик гигиенаси.
- Қуруқ ҳаво шароитида бурун шиллиқ қаватини намлантириш.
- Бурун шиллиқ қаватини чанг, аллергиялардан тозалаш.
- Нафас йўллариининг инфекцион касалликларини олдини олиш.
- Бронхит, бронхиолит, муковисцидоз, балғамни суюлтириш учун бронхоэктатик касалликни мажмуавий даволаш.

- Бурун-ҳалқум, бурун бўшлиғи ва ёндош бўшлиқларининг ўткир ва сурункали касалликларини, болалардаги аденоидлар гипертрофиясини, йил бўйи ва мавсумий аллергия ринитни мажмуавий даволаш.
- Бурун бўшлиғи аъзоларида ўтказилган жарроҳликдан кейинги давр.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Тиббий буюм компонентларига юқори индивидуал сезувчанлик.

Мақсадли гуруҳ (популяция)

Нафас олиш йўллариининг шиллиқ қаватиларини тозалаш ва намлантириш керак бўлган шахслар.

Қўллаш усули ва дозалари

NASISOFT небулайзер ва интраназал юборилиш ёрдамида оғиз ёки бурун орқали нафас олиш йўли билан ингалиция қўллашга мўлжалланган.

Небулайзер ёрдамида NASISOFT ни қўллаш бўйича йўриқнома

Ингалиция учун 2–4 ml (мл) эритмадан кунига 2 марта фойдаланилади. Зарурат бўлганида қўллашлар сони оширилиши мумкин.

Аэрозоль ингалицияси юзга махсус ниқоб, лаб орти мосламаси, лаб орти мосламаси-сўргич ёки назал канюля ёрдамида ўтказилиши мумкин.

1. Небулайзерни фойдаланишга тайёрлаб қўйинг.
2. Полимер пакетни очинг ва бир дозалик контейнерни чиқаринг. Контейнер шикастланмаганлигига ишонч ҳосил қилинг. Агар бунга зарурат бўлмаса, контейнерни пакетдан чиқарманг.
3. Чиқарилган контейнерни силкитинг. Бошқа контейнерларни полимер пакетда қолдиринг ва уларни картон қутига жойлаштиринг.
4. Контейнерни юқори четидан ушлаб, уни очиш учун бошқа четини буранг.
5. Контейнерни очилган четини пастга қаратиб небулайзерга жойлаштиринг ва секин босинг. Ҳамма эритма небулайзерга оқиб тушганига ишонч ҳосил қилинг.
6. Небулайзерни йиғинг ва мақсадга мувофиқ фойдаланинг.

Фойдаланилгандан сўнг небулайзерни ювиб ташланг, буюмнинг қолдиқларини зарарсизлантинг.

NASISOFT ни интраназал юбориш учун йўриқнома

NASISOFT буюрилиши:

- туғилганидан 7 ёшгача бўлган болаларга – буруннинг ҳар бир йўлига 1–2 томчидан кунига 1–3 марта;
- 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ва 13–16 ёшли ўсмирларга – буруннинг ҳар бир йўлига 2 томчидан кунига 2–4 марта;
- катталарга – буруннинг ҳар бир йўлига 2–3 томчидан кунига 3–6 марта.

Қўллашдан олдин ўрамнинг бутунлиги текширилсин.

Интраназал юборишдан олдин бурун йўллариини тозалаш тавсия этилади.

Янги туғилган чақалоқларда қўлланилиши: болани ён томонга ётқизинг.

Болалар ва катталарда қўлланилиши: ўтириб ёки туриб, бошни ёнга эгинг. Навбатма-навбат ҳар бир бурун йўлига бир дозали контейнер киритилади ва эҳтиёткорлик билан босилади.

Чап бурун йўлига пуркашни бошни ўнг тарафга эгиб ва аксинча - ўнг бурун йўлига пуркашни бошни чап тарафга эгиб ўтказиш зарур. Муолажани овқат қабул қилишдан олдин ўтказиш янада самалироқ бўлади.

Муолажадан кейин суюқлик бурундан эркин оқиб чиқиши учун бошни тик ушлаш лозим, у гигиеник салфетка билан артилади.

Ножўя таъсирлари

NASISOFT одатда яхши ўзлаштирилади. Кам ҳолларда шиллиқ қават гиперемияси пайдо бўлиши мумкин. Эритма компонентларини индивидуал ўзлаштираолмайдиган шахсларда юқори сезувчанлик реакциялари бўлиши мумкин.

Ҳар қандай ножўя реакциялар пайдо бўлган ҳолатда тиббий буюмдан фойдаланишни дарҳол тўхтатиш ва шифокорга ва ишлаб чиқарувчига хабар бериш лозим.

Чекловлар, эҳтиёткорлик чоралари

- Эритма фақат ингаляцион ёки интраназал юбориш йўли орқали фойдаланишга мўлжалланган.
- Болалар томонидан фойдаланиши катталар назорати остида ўтиши керак!
- Муолажа вақтида қандайдир ноодатий симптоматика (бош айланиши, аллергия реакциялар) пайдо бўлган ҳолатда фойдаланишни тўхтатиш ва дарҳол шифокорга хабар бериш тавсия этилади.
- Тиббий буюмдан фойдаланишдан олдин ўрам бутунлигини ва яроқлилик муддатини текширинг. Бирламчи ўрам шикастланганда ёки агар яроқлилик муддати тугаган бўлса буюмдан фойдаланманг.
- Бошқа дори воситалари ёки тиббий буюмлар билан аралаштирманг!
- Буюм фақат бир маротаба қўллаш учун мўлжалланган. Такроран фойдаланманг.
- Тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича маҳаллий талабларга мувофиқ утилизация қилинсин.
- Ҳомиладорлик ёки лактация даврида қўлланилиши: қўллашга қарши кўрсатма йўқ.
- Транспорт воситаларини ёки бошқа механизмларни бошқаришда тезлик реакциясига таъсир қилиш қобилияти: таъсир қилмайди.
- Болалар: буюмни болаларга туғилиши билан буюриш мумкин.

Сақлаш шароити

+ 5 °C дан + 30 °C гача бўлган ҳароратда, қуёш нурларидан ҳимояланган жойда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил. Яроқлилик муддати шикастланмаган ўрамда сақлаш шароитига риоя қилинганида амал қилинади.

Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили

«Юрия-фарм» МЧЖ, Украина, 03038, Киев ш., Н. Амосов кўч., 10

Тел.: +38 (044) 275-92-42; +38 (044) 275-01-08

E-mail: uf@uf.ua

www.uf.ua


Ишлаб чиқариш манзили: Украина, 18030, Черкасси ш., Кобзарская кўч., 108

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тиббий буюмни сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

«Юрия-Фарм» МЧЖ ваколатхонаси,

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўча 71 уй.

Тел.: 78 150 71 00.

	Sterile medical device in primary packaging. Sterilized using steam or dry heat/Стерил тиббий буюм бирламчи ўрамда. Бунга ёки қуруқ иссиқдан фойдаланиб стерилизация қилинган
	Do not re-use/Такропан фойдаланилмасин
	Consult instructions for use/Қўллаш бўйича йўриқнома билан танишиш
	Manufacturer/Ишлаб чиқарувчи
	Temperature limit/Ҳарорат чекланиши
	Date of manufacture/Ишлаб чиқариш санаси
	Use-by date/ дан кейин фойдаланилмасин
партия 	Batch code/Партия коди